# «Мубораккнефтгазмонтаж» акциядорлик жамиятининг дивиденд сиёсати тўғрисидаги Низом

# Положение о дивидендной политике акционерного общества «Мубарекнефтгазмонтаж»

| Дивиденд сиёсати тўғрисидаги Низом | Положение о дивидендной политике |
|---|---|
| **Мундарижа:**<br><br>1. Умумий қоидалар.<br>2. Дивидендлар миқдори ва ҳисобланишини белгилаш тартиби.<br>3. Дивиденларни тўлаш тартиби ва муддатлари.<br>4. Эълон қилинган дивидендларни тўлаш учун жавобгарлик.<br>5. Ахборотни ошкор этиш тартиби.<br>6. Якуний қоидалар. | **Содержание:**<br><br>1. Общие положения<br>2. Порядок определения размера и начисления дивидендов.<br>3. Порядок и сроки выплаты дивидендов.<br>4. Ответственность за выплату объявленных дивидендов.<br>5. Порядок раскрытия информации.<br>6. Заключительные положения. |
| **I.Умумий қоидалар**<br><br>1.1.Акциядорлик жамиятини дивиденд сиёсати тўғрисидаги мазкур низоми (кейинчалик матнда – “Низом”) Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги, акциядорлик жамияти Низоми (кейинчалик матнда – “Жамият”), “Корпоратив бошқарув кодекси”ва Жамиятни бошқа ички хужжатларига асосан ишлаб чиқилган.<br>Мазкур низомда акциядорлик жамиятининг дивиденд сиёсатида акс эттириладиган ва ошкор этиладиган умумий масалалар келтирилади.<br><br>1.2. Жамиятни дивиденд сиёсати акциядорларнинг киритган маблағлари самарадорлигини ошириш ва Жамият капиталининг ўсишини таъминлашга қаратилган. Ушбу Низомнинг мақсади акциядорларни ва бошқа манфаатдор шахсларни жамиятнинг дивиденд сиёсати ҳақида хабардор қилиш бўлиб ҳисобланади.<br>Мазкур низом Кузатув кенгашининг Жамият акциялари бўйича дивидендлар миқдорини белгилаш ва уларни тўлаш тартиби бўйича тавсиялар ишлаб чиқишини белгилашга мўлжалланган.<br>1.3.Агар Жамият акциядорларига дивиденд тўлаш билан боғлиқ масалалар Ўзбекистон Республикасини “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикасини бошка | **I.Общие положения**<br><br>1.1.Настоящее положение о дивидендной политике акционерного общества (далее по тексту «Положение») разработано в соответствии с действующим законодательством Республики Узбекистан, уставом акционерного общества (далее по тексту «Общество»), Кодексом корпоративного управления и иными внутренними документами Общества.<br>В настоящем Положении приводятся общие вопросы, которые должны отражаться и раскрываться в дивидендной политике АО.<br>1.2. Дивидендная политика Общества направлена на повышение благосостояния акционеров и обеспечение роста капитализации Общества. Положение имеет своей целью информирование акционеров и иных заинтересованных лиц о дивидендной политике Общества.<br>Настоящее Положение предназначено для определения подхода Наблюдательного совета Общества к выработке рекомендаций по размеру дивидендов по акциям и порядку их выплаты.<br>1.3. Если какие-либо вопросы, связанные с выплатой дивидендов акционерам Общества, не урегулированы нормами Закона Республики Узбекистан «Об акционерных обществах и защите прав акционеров», другими нормативными правовыми актами Республики Узбекистан, |

| | |
|---|---|
| меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлари, Жамият Низоми ва мазкур низом билан тартибга солинмаса, у холда бу масалалар акциядорларни ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш заруриятидан келиб чиқиб ҳал этилади. | уставом Общества и настоящим Положением, то они должны решаться, исходя из необходимости обеспечения прав и интересов акционеров. |
| 1.4. Мазкур Низом акциядорлик жамияти соф фойдасининг жамият акциядорлари умумий йиғилиши қарори билан йўналтирилган миқдорини дивиденлар тўловига қаратишни мақсад қилган. Қолган маблағлар самарали инвестицион лойиҳаларни ишлаб чиқаришга қўллашга (модернизация, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва техник қайта жиҳозлашга) йўналтирилади. | 1.4.Настоящая дивидендная политика АО намерена направлять на выплату дивидендов сумму, выделенную по решению общего собрания акционеров от чистой прибыли общества. Оставшиеся средства будут направляться на реализацию эффективных инвестиционных проектов (модернизацию, на развитие и техническое перевооружение производства). |
| Жамият капиталлаштиришнинг ўсишини акциялардан даромад олиш бўйича акциядорларнинг мулкий манфаатларини қаноатлантиришнинг асосий усули деб ҳисоблайди. Дивиденд сиёсати акцияларнинг бозор қийматини ошириш мақсадида Жамият даромадининг истеъмол қилинаётган ва капиталлаштирилаётган қисмлари ўртасидаги мутаносибликни оптималлаштиришга қаратилган. | Общество рассматривает рост капитализации как основной способ удовлетворения имущественных интересов акционеров по извлечению доходов из акций Общества. Дивидендная политика заключается в оптимизации пропорций между потребляемой и капитализируемой частями полученной Обществом прибыли с целью увеличения рыночной стоимости акций. |
| 1.5. Жамиятни дивиденд сиёсати қуйидаги асосий тамойилларга асосланади: | 1.5.Дивидендная политика Общества основывается на следующих основных принципах: |
| a) ойдинлик тамойили, бунда дивиденд сиёсатини амалга оширишда иштирок этувчи тарафларнинг мажбуриятлари ва масъулиятлари тўғрисидаги ахборотни белгилаш ва ошкор этиш тушунилади, шу жумладан дивиденд миқдори ва уни тўлаш ҳақида қарор қабул қилишнинг тартиби ва шартлари ; | a) принцип прозрачности, под которым подразумевается определение и раскрытие информации об обязанностях и ответственности сторон, участвующих в реализации дивидендной политики, в том числе, порядка и условий принятия решения о выплате и размере дивидендов; |
| b) ўз вақтида амалга оширилиши тамойилида, дивиденд тўловини амалга оширишнинг бошланиш ва тугатилиш вақти чегарасини белгилаш тушунилади; | b) принцип своевременности, подразумевает установление временных границ при осуществлении дивидендных выплат; |
| c) асосланганлик тамойилида, Жамият фақат ижобий молиявий натижаларга эришган тақдирдагина, жамиятнинг ҳақиқий молиявий ҳолатидан келиб чиқиб, унинг ривожланиш режалари ва инвестицион дастурлари инобатга олинган ҳолда дивиденд миқдори ва тўловлари ҳақидаги қарор қабул қилиш тушунилади; | c) принцип обоснованности, который подразумевает, что решение о выплате и размере дивидендов может быть принято только в случае достижения Обществом положительного финансового результата, с учетом планов развития и его инвестиционных программ исходя из реального финансового положения общества; |
| d) адолатлилик тамойилида, акциядорларга дивиденд миқдори, тўлови ва тўлов турлари борасида қабул қилинган қарорлар ҳақидаги маълумотларни олишда тенг ҳуқуқлилик таъминланиши | d) принцип справедливости, подразумевает обеспечение равных прав акционеров на получение информации о принимаемых решениях, о выплате, размере |

| | |
|---|---|
| тушунилади;<br>e) қатъиятлилик тамойилида дивиденд сиёсатининг жараён ва тамойилларини қатъий бажарилишини таъминлаш тушунилади;<br>f) ривожланиш тамойилида дивиденд сиёсатининг, корпоратив бошқарув жараёнларини яхшилаш ва унинг низомларини Жамият стратегик мақсадлари ўзгаришига боғлиқ қайта кўриб чиқиш доирасида доимий такомиллаштириб турилиши тушунилади;<br>g) барқарорлик тамойилида Жамият дивиденд тўловларининг мустаҳкам даражасини таъминлашга ҳаракат қилиши тушунилади.<br>1.6. Жойлаштирилган акциялар бўйича дивиденд тўлаш ҳақидаги қарор қабул қилиш (эълон қилиш) Жамиятнинг ҳуқуқи ҳисобланади. Умумий йиғилиш дивиденд тўлаш ёки тўламаслик тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга.<br>1.7. Эълон қилинган дивидендларни тўлаш Жамиятнинг вазифаси ҳисобланади. Жамият бошқарув органи қарори билан дивиденд олаётган акциядорга, дивиденд тўлаш билан боғлиқ харажатлари (шу жумладан солиқ туловларини ҳисоблаш ва сақлаб қолиш, дивидендларни кўчириб бериш, почта харажатлари) юкланишига йўл қўйилмайди. Жамият ушбу мажбурият бажарилмагани учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ акциядорлар олдида жавобгар бўлади.<br>1.8. Дивидендлар қуйидаги акциялар бўйича ҳисобланмайди ва тўланмайди:<br>a) жойлаштирилмаган акцияларга;<br>b) Жамият томонидан сотиб олинган ўз акцияларига;<br>c) Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган бошқа ҳолларда.<br>1.9. “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 54-модда 1-қисмида кўрсатиб ўтилган ҳолатларда Жамият акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ҳақидаги қарор қабул қилишга ҳақли эмас.<br><br>**II. Дивидендлар миқдори ва ҳисобланишини белгилаш тартиби.**<br><br>2.1. Жамият 1.8-бандда кўрсатилган | и порядке выплаты дивидендов;<br>e) принцип последовательности, подразумевает строгое исполнение процедур и принципов дивидендной политики;<br>f) принцип развития, подразумевает постоянное совершенствование дивидендной политики в рамках улучшения процедур корпоративного управления и пересмотр ее положений в связи с изменением стратегических целей Общества;<br>g) принцип устойчивости, подразумевает стремление Общества к обеспечению стабильного уровня дивидендных выплат.<br>1.6.Принятие решения (объявление) о выплате дивидендов по размещенным акциям является правом Общества. Общее собрание акционеров вправе принять решение о выплате или невыплате дивидендов по акциям.<br>1.7.Выплата объявленных дивидендов является обязанностью Общества. Расходы, связанные с выплатой дивидендов (в том числе расходы по исчислению и удержанию налогов, перечислению дивидендов, почтовые расходы), не могут быть возложены на акционера, получающего дивиденды, по решению органов управления. Общество несет ответственность перед акционерами за неисполнение этой обязанности в соответствии с действующим законодательством Республики Узбекистан.<br>1.8.Дивиденды не начисляются и не выплачиваются по акциям:<br>a) не размещенным;<br>b) приобретенным и/или выкупленным самим Обществом;<br>c) в иных случаях, предусмотренных законодательством Республики Узбекистан.<br>1.9. В случаях, предусмотренных частью первой статьи 54 Закона «Об акционерных обществах и защите прав акционеров» общество не вправе выплачивать и принимать решения о выплате дивидендов по акциям.<br><br>**II.Порядок определения размера и начисления дивидендов.** |

| | |
|---|---|
| ҳолатлардаги акциялардан мустасно, молия-хўжалик йилининг якуни натижалари бўйича акцияларга дивидендлар тўлаш ҳақида қарор қабул қилиши (эълон қилиши) мумкин.<br>Дивидендлар жамият ихтиёрида қолган соф фойдадан ва (ёки) аввалги йиллардаги қолган тақсимланмаган фойда ҳисобидан тўланиши мумкин. | 2.1. Общество вправе по результатам финансового года принимать решения (объявлять) о выплате дивидендов по акциям, кроме указанных в пункте 1.8.<br>Дивиденды выплачиваются из чистой прибыли общества, остающейся в распоряжении общества, и (или) нераспределенной прибыли прошлых лет. |
| 2.2. Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши ҳар тоифадаги (турдаги) акциялар бўйича дивиденд тўлаш ҳақида қарор қабул қилади. Жамиятнинг Кузатув кенгаши акциядорлар умумий йиғилишига дивидендлар миқдори ва тўлаш тартиблари ҳақида тавсиялар тақдим этади. Дивиденлар миқдори Кузатув кенгаши тавсия қилган миқдордан юқори бўлиши мумкин эмас. | 2.2.Общее собрание акционеров Общества принимает решение о выплате (объявлении) дивидендов по акциям каждой категории. Наблюдательный совет Общества представляет общему собранию акционеров рекомендации по размеру дивидендов по акциям и порядку их выплаты. Размер дивидендов не может быть больше рекомендованного Наблюдательным советом. |
| 2.3. Дивидендлар тўлаш бўйича акциядорлар умумий йиғилиши қабул қилган қарорда (берилган эълонда) қуйидагилар белгиланиши керак:<br>a) дивидендлар тўланадиган (тўланиши эълон қилинадиган) акциялар тури (тоифаси);<br>b) маълум турдаги акциянинг бир донасига тўланадиган дивиденд миқдори;<br>c) дивидендларнинг тўлаш муддати, тартиби ва даврийлиги.<br>Жамият қонунчиликда белгиланган холатларда, шунингдек қонунчиликда белгиланган муддатларда оддий акциялар бўйича дивидендларни тўлиқ тўлаш имконияти бўлмаганда дивиденд ҳисоблаш (тўлаш) ҳақида қарор қабул қилишга ҳақли эмас. | 2.3.Решением общего собрания акционеров о выплате (объявлении) дивидендов должны быть определены:<br>a) категория (тип) акций, по которым выплачиваются (объявляются) дивиденды;<br>b) размер дивиденда в расчете на одну акцию определенного типа;<br>c) срок, порядок и периодичность выплаты дивидендов.<br>При этом, Общество не вправе принимать решение о начислении (выплате) дивидендов в случаях установленных законодательством, а также невозможности полной выплаты дивидендов по простым акциям в установленные законодательством сроки. |
| 2.4. Кузатув кенгашининг акциядорлар умумий йиғилишига, акцияларга дивиденд тўлови миқдори бўйича тавсияси қуйидаги омиллардан келиб чиқиб белгиланади:<br>a) аудиторлик хулосаси билан тасдиқланган молиявий ҳисоботларга мувофиқ соф фойда миқдорига;<br>b) Жамиятнинг келгуси даврларга тузилган молиявий-хўжалик режаларига;<br>c) тегишли давр якуни бўйича Жамиятнинг айланма маблағлари тузилишига;<br>d) тегишли давр якуни бўйича Жамиятнинг мажбуриятлари ҳажмига. | 2.4.Рекомендуемый собранию акционеров размер дивидендов по акциям определяется Наблюдательным советом, исходя из следующих факторов:<br>a) размера чистой прибыли согласно данным финансовой отчетности, достоверность которой подтверждена аудиторским заключением;<br>b) финансово-хозяйственных планов Общества на последующие периоды;<br>c) структуры оборотных средств Общества на конец соответствующего периода;<br>d) долговой нагрузки Общества на конец соответствующего периода. |
| 2.5. Тавсия қилинаётган дивидендлар миқдорини белгилашда Кузатув кенгаши Жамиятнинг келгуси даврлар учун | 2.5. При определении размера рекомендуемых дивидендов |

| | |
|---|---|
| белгиланган молиявий - хўжалик режаларини, Жамият айланма маблағлари ва мажбуриятларининг жорий ҳолати ҳамда келгуси даврлардаги ҳолатини инобатга олиши керак. Жамият Кузатув кенгашининг дивидендлар тўлови бўйича акциядорлар умумий йиғилишига тавсияси Жамиятнинг келгуси даврларга бўлган молиявий-хўжалик режаларида назарда тутилмаган қўшимча қарз маблағлари ёки бошқа харажатлар ҳисобдан молиялаштиришни жалб қилишига олиб келмаслиги керак. | Наблюдательному совету следует учитывать финансово-хозяйственные планы Общества на последующие периоды, текущее и перспективное состояние оборотных средств и обязательств Общества. Выплата дивидендов, рекомендуемых Наблюдательным советом Общему собранию акционеров Общества, не должна приводить к привлечению Обществом дополнительного долгового финансирования или иным затратам, не предусмотренным утвержденным финансово-хозяйственным планом на последующие периоды. |
| **III. Дивиденларни тўлаш тартиби ва муддатлари.** | **III.Порядок и сроки выплаты дивидендов.** |
| 3.1. Дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд жамиятнинг қимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин. Эълон қилинган дивидендлар Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида ёки акциядор-норезидентнинг ёзма талабномасига асосан унга ҳисобланган дивиденд тўловларини акциядор-норезидент кўрсатиб ўтган банк ҳисоб рақамига эркин айирбошлаш (конвертация) қилинадиган валютада ўтказиб бериш орқали тўланади. | 3.1.Общество выплачивает дивиденды денежными средствами или другими законными средствами платежа либо ценными бумагами общества. Объявленные дивиденды выплачиваются в национальной валюте Республики Узбекистан или по письменному требованию акционера - нерезидента Республики Узбекистан общество обязано произвести конвертацию в свободно конвертируемую валюту начисленных ему дивидендов, с переводом средств на банковский счет, представленный акционером-нерезидентом. |
| 3.2. Дивидендларни тўлаш муддати Жамият акциядорларини умумий йиғилиши қарорига асосан белгиланади, лекин ушбу қарор қабул қилинган кундан бошлаб 60 кундан ортиб кетмаслиги керак. | 3.2. Срок выплаты дивидендов устанавливается решением общего собрания акционеров Общества, но не может превышать 60 дней со дня принятия решения о выплате дивидендов общим собранием акционеров. |
| 3.3. Агар Жамиятнинг қимматли қоғозлари эгалари акциядорлар умумий йиғилиши томонидан белгиланган муддатда ҳисобланган дивидендларни ололмаган бўлса, у ҳолда Жамият бундай (талаб қилинмаган) дивидендлар тўловини давом эттиради. Талаб қилинмаган дивидендларнинг тўлов даври эълон қилинган дивидендлар тўлови бўйича Жамиятни тўлов мажбуриятлари муддати тугаган кундан бошлаб уч йилдан ортиб кетмаслиги керак. | 3.3. В случае если владельцы ценных бумаг Общества не смогли получить начисленные дивиденды в установленные общим собранием акционеров сроки, Общество продолжает выплату таких (невостребованных) дивидендов. Период выплаты невостребованных дивидендов не может составлять более трех лет с даты окончания срока исполнения Обществом обязанности по выплате объявленных дивидендов. |
| 3.4. Жамиятнинг айби билан дивидендлар акциядорлар умумий йиғилиши белгилаб берган муддатларда тўланмаса, у ҳолда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тасдиқлаб берган қайта молиялаштириш | 3.4. В случае невыплаты (неполучения) по вине общества дивидендов в установленные общим собранием акционеров сроки, по невыплаченным (неполученным) дивидендам начисляется пеня исходя из ставки рефинансирования, |

| | |
|---|---|
| кўрсаткичлари бўйича тўланмаган дивидендларга жарима (пеня) ҳисобланади. Тўланмаган дивидендлар бўйича жарима миқдори тўланмаган дивидендлар микдорининг 50 фоизидан ортиб кетмаслиги керак. | установленной Центральным банком Республики Узбекистан. Размер пени, начисляемой по невыплаченным (неполученным) дивидендам, не должен превышать 50 процентов суммы невыплаченных (неполученных) дивидендов. |
| 3.5.Жамиятнинг акциядорлар билан иш олиб бориш вазифалари юклатилган ташкилий бўлинмаси бухгалтерия бўлими билан биргаликда мазкур низомда кўрсатиб ўтилган дивидендларни ҳисоблаш ва тўлаш жараёнини бажариш учун барча зарур ишларни амалга оширади. | 3.5. Структурное подразделение Общества, имеющее в числе своих функций организацию и ведение работы с акционерами, совместно с бухгалтерией Общества осуществляет подготовку, координацию и проведение всех мероприятий по организации выплаты Обществом дивидендов, предусмотренных настоящим Положением. |
| 3.6. Ҳар бир акциядор акциялар бўйича дивидендларни ҳисоблаш тартиби, дивидендларни солиққа тортиш, дивидендларни тўлаш шартлари ҳақидаги маълумотни олиш учун Жамиятга мурожаат қилишга ҳақли. | 3.6. Любой акционер вправе обратиться в Общество с запросом на предоставление информации о порядке расчета дивидендов по акциям, порядке начисления и налогообложения суммы дивидендов, об условиях выплаты. |
| 3.7. Акциядорларга дивидендларни тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган жамият акциядорларининг реестрида қайд этилган шахслар акциялар бўйича дивиденд олиш ҳуқуқига эга бўлади. | 3.7. На получение дивиденда по акциям имеют право лица, зафиксированные в реестре акционеров общества, сформированном для проведения общего собрания акционеров, на котором принято решение о выплате акционерам дивидендов. |
| 3.8. Агар акция бир неча акциядорнинг улушли мулки ҳолатида бўлса, у холда дивиденд акциядорлар ўртасида уларни улушига мутаносиб тарзда белгиланган тартибда таксимланади. | 3.8. В случае нахождения акций в долевой собственности, дивиденд распределяется между акционерами пропорционально их доле, в установленном порядке. |
| 3.9. Акциядор ўзи ҳақидаги маълумотлар ўзгарган тақдирда, унинг ацияларига бўлган хуқуқни ҳисобга олувчи инвестиция воситачиси ва (ёки) қимматли қоғозлар Марказий депозитарийсини бу ҳақда хабардор қилиши керак. Агар акциядор ўзи ҳақида ўзгарган маълумотлар тўғрисида Марказий депозитарийни ва (ёки) инвестиция воситачисини хабардор қилмаса, у ҳолда бунинг натижасида акциядорга етказилган зарар бўйича улар жавобгар ҳисобланмайдилар. | 3.9. Акционер обязан своевременно информировать инвестиционный посредник и/или Центральный депозитарий ценных бумаг, оказывающие услуги по учету прав на его акции, об изменениях своих данных. В случаях непредоставления акционером информации об изменении своих данных Центральный депозитарий и/или инвестиционный посредник, оказывающие услуги по учету прав на его акции, не несут ответственности за причиненные акционеру в связи с этим убытки. |
| 3.10 Агар акциядор ўзининг банк реквизитларини ёки дивидендлари кўчириладиган манзилни тўғри кўрсатмаган бўлса ёки Жамиятни бу реквизитлар ҳақида хабардор қилмаган бўлса, у ҳолда Жамият акциядорга шу борада етказилган зарар бўйича жавобгар бўлмайди. Акциядор айби билан нотўғри ўтказилган маблағлар Жамиятга қайтарилгандан сўнг, уларни | 3.10. В случае если акционер неверно указал свои банковские реквизиты или адрес для перечисления дивидендов, либо не сообщил Обществу об указанных реквизитах, либо несвоевременно сообщил о них, Общество не несет ответственности за причиненные акционеру в связи с этим убытки. После возврата Обществу неверно |

| | |
|---|---|
| қайтадан акциядорнинг аниқланган реквизитларига ўтказишда маблағларни қайтиши ва қайтадан ўтказилишига кетган сарф харажатлар ушлаб қолинади. | перечисленных сумм дивидендов по вине акционера по причинам, указанным в настоящем пункте, повторное их перечисление акционеру по уточненным реквизитам осуществляется за вычетом расходов на их возврат и повторное перечисление. |
| 3.11. Акциялар бўйича акциядорларга дивидендлар тўлаш даврида Жамият акциядорнинг солиқ агенти ҳисобланиб, Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосан қимматли қоғозлардан олинган даромаддан олинадиган солиқ миқдори чегириб ташланган ҳолда ҳисобланган дивидендлар тўловини амалга оширади. Солиққа тортишнинг стандарт кўрсаткичлари қўлланмайдиган акциядор, бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тегишли тасдиқловчи ҳужжатларни Жамиятга тақдим этади. | 3.11. Общество является налоговым агентом при выплате доходов акционерам по принадлежащим им акциям и производит выплату начисленных дивидендов за вычетом установленных действующим законодательством Республики Узбекистан налогов на получение доходов по ценным бумагам. Акционер, к которому не должны применяться стандартные ставки налогообложения, предоставляет установленные действующим законодательством Республики Узбекистан подтверждающие документы Обществу. |
| **IV. Эълон қилинган дивидендларни тўлаш учун жавобгарлик.** | **IV. Ответственность за выплату объявленных дивидендов.** |
| 4.1. Жамият акцияларнинг ҳар бир тури бўйича эълон қилинган дивидендларни тўлаши шарт. | 4.1.Общество обязано выплатить объявленные дивиденды по акциям каждого типа. |
| 4.2. Дивидендлар тўлаш даврида ҳеч бир акциядор тўлов муддатлари бўйича устунликка эга эмас. Жамият томонидан оддий акциялар бўйича дивидендлар тўлашда акциядорларнинг тенг ҳуқуқлилигига риоя этилади. Бунда Жамият йирик акциядорга дивидендлар тўлаши натижасида, миноритар акциядорларга белгиланган муддатларда дивиденд тўлаш имкониятини таъминламайдиган бўлса, Жамият йирик акциядорга дивидендлар тўлашга ҳақли эмас. | 4.2.При выплате дивидендов никто из акционеров не имеет преимуществ по срокам выплат. Выплата Обществом начисленных дивидендов по простым акциям осуществляется с соблюдением равных прав акционеров на получение дивидендов. При этом Общество не вправе выплачивать крупному акционеру дивиденды, если в результате этого не будет обеспечена выплата дивидендов миноритарным акционерам в установленные сроки. |
| 4.3. Жамият ижро органи Жамият акциядорларига дивиденд тўловини тўлиқ ва ўз вақтида амалга оширилиши учун жавобгар ҳисобланади. Ижро органи фаолиятини назорат қилиш Жамиятнинг Кузатув кенгаши ва ички аудит хизмати томонидан олиб борилади. | 4.3. Исполнительный орган Общества несет ответственность за полную и своевременную выплату дивидендов акционерам Общества. Контроль за действиями исполнительного органа осуществляется наблюдательным советом Общества совместно со службой внутреннего аудита. |
| 4.4. Ҳисобланган дивидендлар тўловини таъминлаш мақсадида Кузатув кенгаши ўз мажлисларида дивиденд тўлови жараёни ҳолатини таҳлил қилиб туради. Жамият ижро органи айби билан дивиденд тўловлари тўлиқсиз ёки кечиктириб | 4.4. В целях обеспечения выплаты начисленных дивидендов наблюдательный совет рассматривает на своих заседаниях вопрос о ходе выплаты дивидендов. В случае неполной либо несвоевременной |

| | |
|---|---|
| бажарилаётган бўлса, Кузатув кенгаши тегишли айбдор шахсларга нисбатан жавобгарлик чораларини белгилайди ва қўллайди.<br>4.5. Агар Жамият дивиденд тўлови бўйича ўз мажбуриятларини бажармаган бўлса, акциядорлар акциялар тури бўйича эълон қилинган дивиденд тўловларини суд тартибида талаб қилишга ҳақли.<br>4.6. Дивидендлардан солиқ суммаларини ушлаш ва ўтказиб бериш борасидаги жамиятга юклатилган солиқ агенти мажбуриятлари тегишли тартибда бажарилмаган ёки тўлиқ бажарилмаган бўлса, жамият Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ жавобгарликка тортилади.<br>**V. Ахборотни ошкор этиш тартиби.**<br>5.1. Мазкур низом ва унга киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар Жамият бошқарув органининг мажлис баённомаси имзолангандан сўнг, амалдаги қонунчиликда белгиланган муддатларда Жамиятнинг Интернет тармоғидаги корпоратив веб-сайтида ошкор этилади.<br>5.2. Акциядорлар умумий йиғилишида дивидендлар тўлови ҳақида қарор қабул қилинганда Жамият қонунчиликда белгиланган тартиб ва муддатларда шу ҳолатга тегишли бўлган муҳим фактлар ҳақидаги маълумотларни жамиятнинг ўз сайтида, корпоратив ахборотлар ягона порталида, агар фонд биржаси листингидаги корхоналар рўйхатига киритилган бўлса, "Тошкент" РФБ сайтида ошкор этади.<br>5.3. Дивидендлар тўлови бўйича ўз мажбуриятларини бажаргани ҳақидаги ахборотларни Жамият қонунчиликда белгиланган тартиб ва муддатларда муҳим фактлар шаклида ошкор этади.<br>**VI. Якуний қоидалар.**<br>6.1. Мазкур низом ва унга киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар акциядорлар умумий йиғилиши қарори билан тасдиқланади. | выплаты дивидендов по вине исполнительного органа Общества наблюдательный совет определяет меры ответственности виновных лиц и накладывает соответствующие санкции либо инициирует их наложение.<br>4.5. В случае не исполнения Обществом своих обязательств, акционеры вправе требовать выплату объявленных дивидендов по акциям каждому типу в судебном порядке.<br>4.6. За неисполнение или ненадлежащее исполнение возложенных на Общество обязанностей налогового агента по удержанию и перечислению сумм налога с дивидендов Общество несет ответственность в соответствии с законодательством Республики Узбекистан.<br>**V.Порядок раскрытия информации.**<br>5.1.Настоящее Положение, а также изменения и дополнения, вносимые в него, раскрываются Обществом на его корпоративном веб–сайте в сети Интернет в сроки предусмотренные действующим законодательством, после подписания протокола заседания органа управления общества, на котором принято соответствующее решение.<br>5.2. При принятии общим собранием акционеров решения о выплате дивидендов Общество раскрывает информацию в соответствующей для этого факта форме сообщений о существенных фактах в сроки, установленные законодательством на сайте общества, в едином портале корпоративной информации и при нахождении в списке листинговых предприятий фондовой биржы, на сайте РФБ «Ташкент».<br>5.3. По факту исполнения Обществом своих обязательств по выплате дивидендов Общество раскрывает соответствующую информацию в форме сообщений о существенных фактах в сроки, установленные законодательством.<br>**VI. Заключительные положения.**<br>6.1.Настоящее Положение, а также изменения и дополнения в него утверждаются решением общего собрания акционеров. |

| | |
|---|---|
| 6.2. Мазкур низомга ўзгартириш ва қўшимчалар Жамият Кузатув кенгаши аъзолари, Жамият ички аудит хизмати ва Жамият ижро органи раҳбари таклифларига асосан киритилади. | 6.2.Изменения и дополнения в настоящее Положение вносятся по предложению членов наблюдательного совета Общества, службы внутреннего аудита Общества, руководителя исполнительного органа Общества. |
| 6.3. Агар мазкур низомнинг айрим моддалари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ёки Жамият Уставига нисбатан қарама-қаршилик холатини туғдирса, у ҳолда бу моддалар ўз кучини йўқотади ва мазкур низомга тегишли ўзгартиришлар киритилгунга қадар ўша моддаларга тегишли қисмлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ёки Жамият Уставига асосан ҳал этилади. | 6.3. Если отдельные статьи настоящего Положения вступают в противоречие с действующим законодательством Республики Узбекистан и/или Уставом Общества, эти статьи утрачивают силу и в части регулируемых этими статьями вопросов следует руководствоваться нормами действующего законодательства Республики Узбекистан и/или Устава Общества до момента внесения соответствующих изменений в настоящее Положение. |